

Зилзила пайтида нима қилиш керак?



22:19 / 21.03.2023 4642

Зилзила, ер силкиниши Аллоҳ таолонинг белги, оятларидан бири бўлиб, бандаларга охиратни эслатиш, аламли азобдан огоҳлантириш ва уларга заифликларини сездириб қўйиш учун содир бўлади. Инсон ер силкинган пайтда заифлигини, ожизлигини, Аллоҳ таолонинг ёрдамига муҳтожлигини ҳис қилиб, ўзини ўнглаб, янада ҳушёрроқ бўлиб, солиҳ амалларни кўпайтириши, Аллоҳни кўп зикр қилиб, хатоларидан тавба қилиши керак.

Роббимиз Қуръони каримда шундай деб марҳамат қилади:

كُلُّبَقٍ نَّمِمْ مُمًّا يَلِيَّ أَنْ لَسَرَأُ دَقَلَو
ءَارُّضَلَاو ءَأَسُّأَبُلَابٌ مُهَانُ دَخَأَفُ
مُهَءَأَجُ ذِي الْوَلَفِ نُوْعٌ رَضَتِي مُهَلَعَل
تَسَقِ نَكَلَو أُوْعٌ رَضَتِ أَنْ سَأَبُ
أَمْ نَأْطِيَّ شَلَا مُهَلُ نِّيَزُو مُهَبُ وُلُقِ

أَمْ أُوْسِنَ أَمَلَفَ نُوْلَمُعَيُّ أُوْنَاكَ بِأُوْبَاءِ مَهَيْلَعِ أَنْحَتَفِ هِبْ أُوْرُكُذ أَمْبِ أُوْحَرَفِ إِذِيَّتَحِ عِيَّشَلُكُ مُهْ إِذِيَّفَ ءَتَعَبْ مُهْ أَنْدَخَ أُوْتُوْ نُوْسَلُبُم

“Батаҳқиқ, Биз сендан олдинги умматларга ҳам Пайғамбарлар юборганмиз. Сўнгра, шояд тазарруъ қилсалар, деб уларни бало ва зиёнларга тутганмиз.

(Аллоҳ таоло Ислом умматидан аввалгиларга ҳам Пайғамбарлар юборган. Улардан Пайғамбарларнинг даъватига юрмаганларини бало-офатларга дучор қилган Бундан, шоядки бошига оғир кун тушганда ўзига келиб, ҳушини йиғиб, хатосини тушунса ва иймон йўлига юрса, деган мақсад кўзда тутилган.)

Бизнинг баломиз уларга етганда, тазарруъ қилсалар эди! Лекин қалблари қаттиқ бўлди ва шайтон уларга қилаётган ишларини зийнатлаб кўрсатди. Эслатилган нарсаларни унутган чоғларида, уларга ҳамма нарсанинг эшикларини очиб қўйдик. Ўзларига берилган нарсалардан хурсанд бўлиб турганларида, уларни бирданига тутдик. Бас, қарабсизки, бутунлай ноумид бўлдилар.

(Яъни, улар истаганларидан ҳам ортиқ нозу неъматларга кўмиб ташланганлар. Аммо иймонсиз, тазарруъсиз келган нозу неъмат яхшиликка олиб бормаслиги турган гап. Кофир-мушрикларга бу нарсалар берилса, хусусан, ҳамма нарсанинг эшиги очиб қўйилса, орқасида бошқа гапи бўлади. Бундай бўлишини хаёлларига ҳам келтирмаган эдилар. Бирданига Аллоҳнинг азоби уларни тутди. Энди тавба-тазарруъ қилишга имкон қолмади.) (Анъом сураси, 42-44-оятлар).

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам доим Аллоҳ таолони зикр қилиб, тонгги ва кечки дуоларни айтиб юрар ва умматларини ҳам шунга тарғиб

этардилар.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумо айтадилар: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам барча зикр ва дуолар қаторида мана бу дуони ҳам эртаю кеч ҳеч тарк қилмас эдилар: «Аллоҳумма инний асалукал ъафва вал ъаафията фиддуня вал аахирах, Аллоҳумма инний асалукал ъафва вал ъаафията фий дийний ва дуня-я ва аҳлий ва маалий. Аллоҳуммастур ъавротий ва аамин ровъаати. Аллоҳуммаҳфазний мин байни йадайя ва мин холфий ва ъан яминий ва ъан шимаалий ва мин фавқий ва аъзузу биъазоматика ан уғтаала мин таҳтий».

Маъноси: «Аллоҳим! Мен Сендан дунё ва охиратда офият сўрайман. Эй Раббим, динимда ва дунёимда, аҳлимда ва молимда афв ва офият сўрайман. Эй Раббим, авратимни беркит, хавфларимни омонликка айлантир. Эй Аллоҳим, мени олдимдан, орқамдан, ўнг томонимдан, чап томонимдан, устимдан сақлагин. Эй Раббим, остимдан ҳалок қилишингдан Сенинг қудратинг ила паноҳ тилайман».

Абу Довуд ва Ибн Можа ривояти.